



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2020 yil « 6 » октябрь

№ ПК–4851

Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни IT-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ахборот технологиялари соҳасидаги кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини муваффақиятли амалга ошириш, рақамли технологияларни ривожлантириш ва аҳолининг кундалик ҳаётига кенг жорий этишни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Ахборот технологиялари соҳасидаги касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича кўрилаётган чоралар давлат органлари ва тармоқ ташкилотларини малакали IT-мутахассислар билан таъминлаш учун мустақкам замин яратмоқда.

Хусусан, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ва бир қатор хорижий университетлар филиаллари фаолияти йўлга қўйилиб, туман ва шаҳарларда рақамли технологияларга ўқитиш марказлари босқичма-босқич ташкил этилмоқда.

Шу билан бирга, республиканинг меҳнат бозорида малакали кадрлар етишмовчилиги ахборот технологиялари соҳасидаги ўқув дастурлари ва услубларини такомиллаштириш, таълим муассасаларининг IT-компаниялар билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришни тақозо этмоқда.

Ахборот технологияларининг ўқитилишини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, меҳнат бозорининг малакали IT-мутахассисларга бўлган талабини қониқтириш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг республика туман (шаҳар)ларида мавжуд умумтаълим мактаблари негизида **информатика ва ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабларни** (кейинги ўринларда – ихтисослаштирилган мактаблар) босқичма-босқич ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

2020 йилда ташкил этиладиган, информатика ва ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган таянч мактаблари ҳамда уларга бириктирилган олий таълим муассасалари, илмий ва инновация марказлари, ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари рўйхати 1-иловага мувофиқ;

2021–2023 йилларда республика туман (шаҳар)ларида информатика ва ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабларни босқичма-босқич ташкил этиш жадвали 2-иловага мувофиқ;

2020–2023 йилларда информатика ва ахборот технологиялари йўналишида узлуксиз таълим сифатини ошириш бўйича “йўл харитаси” 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўқувчиларнинг ижодий ривожланиши учун шароитлар яратиш, шу жумладан “Бир миллион дастурчи” лойиҳасини мактаб ўқув дастурларига интеграция қилиш орқали ўқувчиларга ахборот технологиялари ва компьютерда дастурлаш асосларининг чуқур ўргатилишини ташкил этиш;

Ўқувчиларни ўқитиш ва билимларини баҳолашнинг замонавий услубларини жорий қилиш, шу жумладан рақамли ўқув воситалари ва масофавий таълим шаклини кенг қўллаш, шунингдек, таълим жараёнини умумий касб маҳоратини шакллантиришга йўналтирилган фанлараро модуллардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш;

Ўқув дастурларининг рақамли иқтисодиёт талабларига мослашишини таъминлаш ва бу борада таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари, давлат идоралари ва тармоқ корхоналари билан ҳамкорликни ривожлантириш;

Ўқувчиларнинг Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (кейинги ўринларда – IT-парк) резидентлари фаолияти билан яқиндан танишиши учун шароитлар яратиш, уларнинг ушбу йўналишга қизиқишини ошириш.

4. Шундай тартиб белгилансинки, унга мувофиқ бириктирилган ихтисослаштирилган мактабларда:

олий таълим муассасалари – ўқув жараёнини методик қўллаб-қувватлайди, юқори малакали профессор-ўқитувчиларни ва иқтидорли талабаларни таълим жараёнига жалб этади, маҳорат дарслари ва тўғаракларни ташкил этади;

ишлаб чиқариш корхоналари – “устоз-шогирд” анъаналари асосида ўқувчиларнинг назарий билимлари ва кўникмаларини мустақамлайди, ўқув ва амалий машғулотлар, шу жумладан маҳорат дарслари ўтказилишига кўмаклашади;

илмий ва инновация марказлари, тармоқ корхоналари – илм-фанни ўқув жараёни билан интеграция қилиш, ўқитувчилар томонидан таълим жараёнида илмий ишлар натижаларидан самарали фойдаланиш учун шароитлар яратади, уларнинг ахборот технологиялари соҳасидаги тадқиқотлар ва илмий ишларга бўлган қизиқишини ошириш бўйича чоралар кўради.

5. Халқ таълими вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

а) 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб:

ихтисослаштирилган ва бошқа умумтаълим мактабларида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанининг **“Бир миллион дастурчи”** лойиҳасига оид ўқув дастурлари билан босқичма-босқич интеграция қилинишини таъминласин;

ўқувчилари “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида ўқув курсларини муваффақиятли якунлаган давлат умумтаълим мактабларининг **100 нафар энг яхши “Информатика ва ахборот технологиялари” фани ўқитувчиларини** Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ва IT-паркнинг маблағлари ҳисобидан ҳар йили базавий ҳисоблаш миқдорининг **20 баравари** миқдорида бир марталик мукофотлаш тизимини жорий қилсин;

б) умумий ўрта таълимнинг ўқув дастурини ишлаб чиқиш доирасида “Информатика ва ахборот технологиялари” фани бўйича ўқув дастурларини ахборот технологиялари соҳасида ўқитишнинг замонавий тенденцияларига мувофиқлаштирсин;

в) 2021 йил 1 декабрга қадар 2021–2023 йилларда ихтисослаштирилган мактабларни ташкил этиш, шу жумладан харажатларни молиялаштиришнинг аниқ механизмларини назарда тутувчи манзилли дастурни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

б. Ихтисослаштирилган мактабларга бириктирилган ташкилотларнинг ушбу мактабларни муқобил дарслик ва қўлланмалар билан таъминлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ўқитувчилари малакасини оширишда амалий ёрдам кўрсатиш бўйича ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

Белгилансинки, ихтисослаштирилган мактабларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш, шу жумладан уларни замонавий жиҳозлар, мебель, компьютер ва ташкилий техника билан жиҳозлаш, шунингдек, ўқув адабиётлари, методик қўлланмалар ва бошқа воситалар билан таъминлаш қуйидаги маблағлар ҳисобидан амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 ноябрдаги “Замонавий мактаб”ларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4537-сон қароридаги умумий ўрта таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг асосий параметрларида назарда тутилган молиялаштириш манбалари;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг маҳаллий бюджетлари қўшимча манбалари ва бюджетдан ташқари маблағлари;

ихтисослаштирилган мактабларга бириктирилган олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари, илмий ва инновация марказлари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳомийлик маблағлари;

халқаро молия институтлари ва донор ташкилотларнинг техник кўмаги ва грант маблағлари;

ҳомийлик маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Халқ таълими вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

бир ой муддатда ихтисослаштирилган мактабларнинг директорлари учун А. Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида замонавий таълим менежменти, шунингдек, таълим жараёнига ахборот технологияларини жорий этиш бўйича ўқув курсларини ўтказиш дастурини тасдиқласин;

2020 йил 1 декабрга қадар 2020/2021 ўқув йилида ихтисослаштирилган мактабларнинг “Информатика ва ахборот технологиялари” фани ўқитувчилари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларининг ўқув дастури ва ўтказиш графигини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2021 йил 1 январга қадар Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва IT-паркда А. Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ва халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳудудий марказларининг ахборот технологиялари бўйича ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этсин;

2021 йил 1 январдан бошлаб А. Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳудудий марказлари негизида умумтаълим мактабларининг “Информатика ва ахборот технологиялари” фани ўқитувчиларини ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этсин.

8. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази Халқ таълими вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва “Ўзстандарт” агентлиги билан биргаликда **2021 йил 1 мартга** қадар “Информатика ва ахборот технологиялари” фани ўқитувчиларини **сертификатлаш миллий тизимини** жорий қилсин.

9. Белгилансинки, **2021 йил 1 сентябрдан** бошлаб рақамли кўникмаларни эгаллаш даражаси бўйича тегишли сертификатга эга бўлган ихтисослаштирилган мактабларнинг “Информатика ва ахборот технологиялари” фани ўқитувчиларига базавий тариф ставкасининг **50 фоизи** миқдориди ҳар ойлик устама ҳақ тўланади.

10. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг **ахборот технологиялари йўналиши бўйича ўрта бўғин кадрларини тайёрлайдиган техникумларга 4-иловага мувофиқ ишлаб чиқариш корхоналарини бириктириш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Бунда ушбу корхоналар томонидан қуйидагилар амалга оширилиши назарда тутилади:

техникумлар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни компьютер ва бошқа жиҳозлар, дарсликлар ва замонавий адабиётлар билан таъминлашда доимий асосда амалий ёрдам кўрсатиш;

техникумларда ўқувчиларни, шу жумладан ахборот технологиялари соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш бўйича корхоналарнинг йиллик тармоқ буюртмасини шакллантириш;

техникумларда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент шаҳридаги Инха университети ва Тошкент шаҳридаги Амити университети ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда, шу жумладан масофавий ўқитиш орқали ўқув машғулотларини ўтказишга кўмаклашиш.

11. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

а) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда 2021/2022 ўқув йилидан Тошкент вилоятида **Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг филиалини** ташкил этсин.

Вазирлар Маҳкамаси **2021 йил 1 январга қадар** Тошкент вилоятида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг филиали фаолиятини ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин;

б) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда **икки ой муддатда** ҳар бир ҳудудда ахборот технологиялари ва коммуникациялари йўналишлари бўйича кадрларни тайёрлаш учун техникумлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ҳукумат қарори лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг:

олий таълим муассасаларининг тегишли таълим йўналишлари талабалари ўртасида информатика, дастурлаш ва ахборот технологиялари соҳаларида ўтказиладиган республика фан олимпиадалари ғолиблари, шунингдек, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан белгиланадиган нуфузли халқаро олимпиадалар совриндорлари бўлган талабаларни олий таълим муассасаларининг тегишли магистратура йўналишларига **ажратилган квота доирасида давлат грантлари асосида имтиҳонсиз қабул қилиш**;

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб информатика ва ахборот технологиялари йўналишларида кадрлар тайёрлаётган барча олий таълим муассасалари томонидан умумтаълим мактаблари битирувчи синфлари ўқувчилари ўртасида “Информатика ва ахборот технологиялари” фани бўйича кўп босқичли (туман (шаҳар) – вилоят – олий таълим муассасаси) ўз олимпиадасини ўтказиши ва 1–3-ўринларни эгаллаган ўқувчиларни биринчи ўқув йили учун тўлов **олий таълим муассасаларининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳолда имтиҳонсиз ўқишга қабул қилиш** тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

13. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йилдан бошлаб “Информатика ва ахборот технологиялари” фани бўйича халқаро олимпиадалар ғолибларини тайёрлаган профессор-ўқитувчиларни олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан **бир ойлик маош** миқдорида бир марталик мукофотлаш тизими жорий этилади.

Бунда, олий таълим муассасаси ўз молиявий имкониятларидан келиб чиқиб, олимпиадаларнинг ғолиблари томонидан эгалланган ўринга қараб, уларни тайёрлаган профессор-ўқитувчиларни қўшимча мукофотлаш тизимини жорий этиш ҳуқуқига эга.

14. Олий таълим муассасаларининг ўқув дастури доирасида психология-педагогика фанларини ўрганган информатика ва ахборот технологиялари йўналиши битирувчиларига ихтисослаштирилган мактаблар ва умумтаълим мактабларида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанларини ўқитишга рухсат берилсин.

15. Белгилаб қўйилсинки:

олий таълим муассасаларининг информатика ва ахборот технологиялари билан боғлиқ таълим йўналишлари бўйича имтиёзли дипломга эга бўлган битирувчилари мазкур олий таълим муассасаларининг **магистратурасига кириш имтиҳонларисиз тўлов-контракт асосида қабул қилинади;**

умумтаълим мактабларининг “Информатика ва ахборот технологиялари” фани бўйича ўрта-махсус маълумотли ва камида **бир йил педагогик иш стажига эга ўқитувчилари Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетига педагогика йўналиши бўйича масофавий ўқитиш шаклида тўлов-контракт асосида кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.**

16. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 январга қадар қуйидагиларни жойлаштириб боришни назарда тутувчи **“Ўзбекистоннинг IT-истеъдодлари”** порталини ишга туширсин:

ахборот технологиялари соҳасидаги халқаро ва тармоқ олимпиадалари, компьютерда дастурлаш ва киберспорт бўйича хакатонлар ғолибларининг мунтазам реестри;

“Бир миллион дастурчи” дастурини амалга оширишнинг ҳолати, ахборот технологиялари ва компьютерда дастурлаш соҳасида ўтказиладиган олимпиадалар, танловлар ва акциялар тўғрисида маълумотлар;

ахборот технологиялари ва компьютерда дастурлаш соҳасига ихтисослаштирилган марказлар, мактаблар ва бошқа таълим муассасалари, шунингдек, ўтказиладиган ўқув курслари, тўғараклар ва тренинглар тўғрисидаги батафсил маълумотлар.

17. **Ахборот технологиялари соҳасидаги илмий ва инновация марказларининг истиқболли лойиҳаларини тижоратлаштиришни ташкил этиш дастури** (кейинги ўринларда – Тижоратлаштириш дастури) 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар Тижоратлаштириш дастурида белгиланган чора-тадбирларни мувофиқлаштиришни таъминласин.

Тижоратлаштириш дастури илмий ишланмаларни тижоратлаштиришга масъул ташкилотларнинг ўз маблағлари, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш Президент жамғармасининг маблағлари, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси томонидан ушбу мақсадларга ажратилган маблағлар, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбаларнинг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши белгилансин.

18. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда, шу жумладан рақамли технологиялар ўқув марказларини жалб этган ҳолда аҳолини меҳнат бозорида ахборот технологиялари ҳамда Интернет тармоғи орқали кўрсатиладиган аутсорсинг хизматлари соҳасидаги талаб юқори бўлган касблар ва тадбиркорлик асосларига ўқитишни ташкил этсин.

19. Молия вазирлиги ушбу қарорни жорий йилда амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун зарур маблағларни 2020 йилга тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида ажратсин, 2021 йилдан бошлаб эса келгуси йил Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

20. Мазкур қарорда белгиланган вазифалар ва чора-тадбирларнинг сифатли ҳамда ўз вақтида бажарилишини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилишнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

халқ таълими вазири Ш. Шерматов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги директори С. Бабаходжаев – умумий ўрта таълим муассасаларида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитиш сифатини ошириш, ҳудудларда ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини самарали ташкил этиш ва ёшларни халқаро олимпиадаларга тайёрлашни таъминлайди;

олий ва ўрта махсус таълим вазири И. Мажидов, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш. Садиков, тегишли олий таълим муассасалари ректорлари – ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида, фаолият юритаётган ва янги ташкил этиладиган ихтисослаштирилган мактабларда “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини самарали ўқитишни ва уларга ўқув-услубий ёрдам кўрсатишни мувофиқлаштиради;

инновацион ривожланиш вазири И.Абдурахмонов, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш. Садиков, тегишли илмий ва олий таълим муассасалари раҳбарлари – ёшларни информатика ва ахборот технологиялари соҳасида илмий-тадқиқотга жалб қилиш ва олимларни рағбатлантириш, уларнинг ишлаб чиқариш тармоқларида мавжуд муаммоларнинг илмий ечимига қаратилган дастурий маҳсулотларни яратишига кўмаклашиш юзасидан тизимли ва кенг қамровли ишларни ташкиллаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Мусаев, Бош вазир маслаҳатчиси – ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи О. Умаров – мазкур қарорда белгиланган вазифалар ва чора-тадбирларнинг сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши устидан тизимли назоратни ташкил этади.

21. Халқ таълими вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**2020 йилда ташкил этиладиган, информатика ва ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга
ихтисослаштирилган таянч мактаблари ҳамда уларга бириктирилган олий таълим муассасалари,
илмий ва инновация марказлари, ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Ҳудуд ва умумтаълим мактаби номи	Ахборот технологиялари ва коммуникациялари йўналишларига ихтисослашган олий таълим муассасалари	Илмий ва инновация марказлари	Ишлаб чиқариш корхоналари	Жалб этиладиган ҳомийлик маблағлари, млн. сўм
Қорақалпоғистон Республикаси					
1.	Нукус шаҳридаги 2-сон умумтаълим мактаби	Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали	ТАТУ ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази	“Алоқабанк” АТБ	350,0
Андижон вилояти					
2.	Андижон шаҳридаги 18-сон умумтаълим мактаби	Андижон давлат университети	Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Микроэлектроника ва яримўтказгичлар физикаси илмий-тадқиқот институти	“Ўзбектелеком” АК	540,0
Бухоро вилояти					
3.	Бухоро шаҳридаги 7-сон умумтаълим мактаби	Бухоро давлат университети	Тошкент давлат техника университети қошидаги Ўзбек-Япон ёшлар инновацион маркази	“UNICON.UZ” фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази” ДУК “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” ДМ	530,0

Жиззах вилояти					
4.	Жиззах шаҳридаги 8-сон умумтаълим мактаби	Тошкент шаҳридаги Инха университети	Тошкент шаҳридаги Инха университети қошидаги Фаол тадбиркорлик инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш маркази	“Unitel” МЧЖ	600,0
Қашқадарё вилояти					
5.	Қарши шаҳридаги 32-сон умумтаълим мактаби	Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали	Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий маркази	“Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” ДУК, “Республика махсус алоқа боғламаси” ДУК	350,0
Навоий вилояти					
6.	Навоий шаҳридаги 17-сон умумтаълим мактаби	Тошкент шаҳридаги Амити университети	"UNICON.UZ" фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази" ДУК	“Электро-магнит мослашув маркази” ДУК, Давлат фельдъегерлик хизмати	570,0
Наманган вилояти					
7.	Наманган шаҳридаги 86-сон умумтаълим мактаби	Наманган давлат университети	ТАТУ ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази	“UMS” МЧЖ	590,0
Самарқанд вилояти					
8.	Самарқанд шаҳридаги 9-сон умумтаълим мактаби	Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали	Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Микроэлектроника ва яримўтказгичлар физикаси илмий-тадқиқот институти	“UZINFOCOM” давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор” МЧЖ, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси	340,0

Сирдарё вилояти					
9.	Гулистон шаҳридаги Хорижий тилларга ихтисослашган мактаб-интернати	Гулистон давлат университети	Тошкент давлат техника университети қошидаги Ўзбек-Япон ёшлар инновацион маркази	“Хавфсиз шаҳар” жамоат хавфсизлигига кўмаклашиш маркази” ДМ	270,0
Сурхондарё вилояти					
10.	Термиз шаҳридаги 16-сон умумтаълим мактаби	Термиз давлат университети	"UNICON.UZ" фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази" ДУК	“Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази” ДУК, “O’zimpeksaloqa” МЧЖ	270,0
Тошкент вилояти					
11.	Ўртачирчиқ туманидаги 3-сон умумтаълим мактаби	Тошкент шаҳридаги Инха университети	Тошкент шаҳридаги Инха университети қошидаги Фаол тадбиркорлик инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш маркази	“Coscom” МЧЖ	790,0
		Тошкент ахборот технологиялари университети			
		Тошкент шаҳридаги Амита университети			
Фарғона вилояти					
12.	Фарғона шаҳридаги 19-сон умумтаълим мактаби	Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали	"UNICON.UZ" фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази" ДУК	“Ўзбекистон почтаси” АЖ, “ALOQALOYIHA” ДУК	200,0
Хоразм вилояти					
13.	Урганч шаҳридаги 30-сон умумтаълим мактаби	Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали	Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий маркази	“ALSKOM” АЖ СК, “Рақамли иқтисодиёт тадқиқотлари маркази” ДМ	340,0

Тошкент шаҳри					
14.	Юнусобод туманидаги 9-сон ихтисослашган давлат умумтаълим мактаби	Тошкент шаҳридаги Амита университети	Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Микроэлектроника ва яримўтказгичлар физикаси илмий-тадқиқот институти	“Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ	410,0
		Тошкент ахборот технологиялари университети			
		Ўзбекистон миллий университети			

Изоҳ. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ушбу рўйхатдаги умумтаълим мактабларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 6 октябрдаги ПҚ–4851-сон қарорига
2-илова

**2021–2023 йилларда республика туман (шаҳар)ларида
информатика ва ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга
ихтисослаштирилган мактабларни босқичма-босқич ташкил этиш
ЖАДВАЛИ**

Т/р	Ҳудуд номи	Жами*	Шу жумладан:		
			2021/2022 ўқув йилида	2022/2023 ўқув йилида	2023/2024 ўқув йилида
Республика бўйича		205	82	64	45
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	17	7	5	4
2.	Андижон вилояти	16	6	6	3
3.	Бухоро вилояти	13	5	4	3
4.	Жиззах вилояти	13	5	4	3
5.	Қашқадарё вилояти	15	6	5	3
6.	Навоий вилояти	10	4	3	2
7.	Наманган вилояти	13	5	4	3
8.	Самарқанд вилояти	16	7	5	3
9.	Сурхондарё вилояти	15	6	5	3
10.	Сирдарё вилояти	11	5	3	2
11.	Тошкент вилояти	22	8	7	6
12.	Фарғона вилояти	19	8	6	4
13.	Хоразм вилояти	13	5	4	3
14.	Тошкент шаҳри	12	5	3	3

*Изоҳ. Республиканинг 14 та ҳудудида 2020 йилда биттадан ихтисослаштирилган таянч мактаблари ташкил этилади.

**2020–2023 йилларда информатика ва ахборот технологиялари йўналишида узлуксиз таълим сифатини ошириш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
I. Умумтаълим муассасаларида информатика ва ахборот технологиялари фанларини ўқитиш сифатини ошириш					
1.	Информатика ва ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар (кейинги ўринларда – ихтисослаштирилган мактаблар) рўйхатини шакллантириш.	<p>1. Ихтисослаштирилган мактабларни аниқлаш ва рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Ихтисослаштирилган мактаблар бинолари, моддий-техник ва ўқув-услубий таъминотининг амалдаги ҳолатини тўлиқ хатловдан ўтказиш.</p> <p>3. Ихтисослаштирилган мактаблар ва Рақамли технологиялар ўқув марказлари учун имтиёзли интернет тарифларини ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Ихтисослаштирилган мактабларни замонавий ускуналар, мебель, компьютер техникаси билан жиҳозлаш, шунингдек, уларни ўқув адабиётлари, услубий қўлланмалар ва бошқа воситалар билан таъминлаш бўйича намунавий лойиҳалар ва меъёрларни тасдиқлаш.</p>	<p>2020 йил ноябрь</p> <p>2020 йил декабрь</p> <p>2020 йил октябрь</p> <p>2020 йил декабрь</p>	–	<p>Ахборот технологиялари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p> <p>Ахборот технологиялари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, “Ўзбектелеком” АК</p>
2.	Ихтисослаштирилган мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.	1. Хатлов натижаларидан келиб чиқиб, ихтисослаштирилган мактабларнинг бино ва иншоотларини мукаммал таъмирлаш ва реконструкция қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.	Келишилган режа асосида	Маҳаллий бюджет даромадларининг режадан орттириб бажарилган қисми ва қонунчиликда	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари,

		2. Таъмирталаб бино ва иншоотларни реконструкция қилиш ёки таъмирлаш, ихтисослаштирилган мактабларни замонавий компьютер техникалари ва ўқув мебеллари билан жиҳозлаш ишларининг молиялаштириш манбаси юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.		тақиқланмаган бошқа манбалар	Ахборот технологиялари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги
3.	Халқаро стандартлар талабларини ҳисобга олган ҳолда ихтисослаштирилган мактабларнинг ўқув режа ва дастурларини тасдиқлаш.	1. Информатика ва ахборот технологиялари фани ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиш бўйича Ишчи гуруҳни шакллантириш. 2. Ишчи гуруҳ томонидан ихтисослаштирилган мактабларининг ўқув фаолиятини ташкил этиш бўйича хориж тажрибасини ўрганиш. 3. Ихтисослаштирилган мактаблар учун ўқув режа ва дастурларини қайта кўриб чиқиш. 4. Ихтисослаштирилган мактаблар янги ўқув режалари ва дастурларини тасдиқлаш. 5. Илғор хорижий тажриба асосида таълим муассасалари учун информатика фанларидан ўқув ва илмий адабиётларни яратиш бўйича миллий танлов ташкил қилиш.	2020 йил декабрь 2021 йил январь 2021 йил февраль 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб 2021 йилдан бошлаб	–	Халқ таълими вазирлиги, Ахборот технологиялари вазирлиги, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси
4.	Ихтисослаштирилган мактаблар учун зарур адабиётлар ва илмий нашрларни харид қилиш.	1. Ўқув-ўслубий адабиётлар ва илмий нашрлар рўйхатини шакллантириш. 2. Ўқув-ўслубий адабиётлар ва илмий нашрларни белгиланган тартибда харид қилиш.	2021 йил сентябрь режа-жадвалга асосан	Халқ таълимини ривожлантириш жамғармаси ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар	Халқ таълими вазирлиги, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги, Ахборот технологиялари вазирлиги,

					Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси
5.	Ихтисослаштирилган мактабларда “Бир миллион дастурчи” лойиҳасини кенг жорий қилиш.	<p>1. Ихтисослаштирилган мактабларнинг 7–11 синф ўқувчиларини “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида дастурлаш тилларига ўқитишни ташкил қилиш.</p> <p>2. Ўқув курсларини муваффақиятли тугатган ўқувчилар Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркининг IT-академиясида таҳсил олиши учун уларга махсус чегирмалар асосида йўлланма бериш тизимини яратиш.</p>	<p>2020-2021 ўқув йилидан бошлаб</p> <p>2021 йил февраль</p>	–	Халқ таълими вазирлиги, Ахборот технологиялари вазирлиги, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси
6.	Ихтисослаштирилган мактабларда ўқув жараёнини ташкил этиш учун юқори малакали мутахассисларни танлаш.	<p>1. Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини ривожлантириш агентлиги тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ўқитувчиларни танлаб олиш тартибини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Юқори малакали мутахассисларни танлаш ва лавозимга тайинлаш.</p>	<p>2020 йил декабрь</p> <p>2021/2022 ўқув йилдан бошлаб</p>	–	Халқ таълими вазирлиги, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги, Ахборот технологиялари вазирлиги, Тошкент ахборот технологиялари университети
7.	“Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида ихтисослаштирилган мактаблар ўқитувчиларининг малакасини ошириш.	<p>1. Ихтисослаштирилган мактаблар ўқитувчилари рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Рўйхат асосида ўқитувчилар учун вебинар ташкил этиш.</p> <p>3. Ўқитувчилар учун ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлаш.</p>	<p>2020/2021 ўқув йилидан бошлаб</p> <p>Режа-жадвалга асосан</p> <p>2021 йилдан бошлаб</p>	–	Ахборот технологиялари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси

8.	Умумтаълим мактаблари информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчиларининг маҳоратини ошириш.	1. Информатика фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш бўйича ўқув дастурларини кўриб чиқиш ва такомиллаштириш. 2. Олий ўқув юртлари ахборот технологиялари кафедраларининг малакали профессор-ўқитувчиларини ўқув курсларига жалб қилиш.	2020 йил ноябрь алоҳида жадвал асосида	–	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълими, Тошкент ахборот технологиялари университети
9.	Информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчиларини сертификатлаштириш бўйича ягона ахборот тизимини жорий қилиш.	1. Сертификатлаштириш тизимини ишлаб чиқиш. 2. Тизимни тажриба-синовдан ўтказиш ва такомиллаштириш. 3. Сертификатлаштириш тизимини тўлиқ жорий қилиш.	2020 йил декабрь 2021 йил январь 2021 йил март	Ахборот технологияларини ривожлантириш жамғармаси ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат тест маркази, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси
10.	Ихтисослаштирилган мактабларнинг ходимларини хорижий давлатларнинг илғор умумтаълим муассасаларида стажировка ўташини ташкил этиш.	1. Стажировкаларни ташкил этиш бўйича халқаро молия институтлари грант маблағларини жалб этиш. 2. Хорижий давлатларнинг илғор умумтаълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш. 3. Ихтисослаштирилган мактабларнинг ходимларини хорижий давлатларнинг илғор умумтаълим муассасаларида стажировкадан ўтишини ташкил этиш.	Доимий равишда	Ўз маблағлари, халқаро молия институтлари грант маблағлари	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ахборот технологиялари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги
11.	Ихтисослаштирилган мактабларнинг олий таълим муассасалари билан ҳамкорлиги механизмини жорий этиш.	1. Ихтисослаштирилган мактаблар ва бириктирилган олий таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг намунавий шаклини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш. 2. Ихтисослаштирилган мактабларига бириктирилган олий таълим муассасаларининг мос	2021 йил январь ҳар ўқув йили бошлангунига қадар	–	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги, Ахборот технологиялари

		<p>кафедралари профессор-ўқитувчиларининг умумтаълим мактабларида маҳорат дарслари ўтишини ташкил этиш жадвалини тасдиқлаш.</p> <p>3. Олий таълим муассасаларининг мос кафедралари профессор-ўқитувчиларининг ихтисослаштирилган мактабларда соатбай ишлашини ташкил этиш.</p>	ўқув йили давомида		вазирлиги, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси
12.	Ихтисослаштирилган мактабларга ўқувчиларни қабул қилиш тартиби ва уларга яратилган имкониятлар ҳамда имтиёзлар тўғрисида кенг жамоатчиликка етказиш.	<p>1. Қабул жараёнларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича медиа-режа ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Медиа-режани амалга ошириш.</p>	2020 йил ноябрь	–	Халқ таълими вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси
13.	Ихтисослаштирилган мактабларга иқтидорли ёшларни қабул қилиш.	<p>1. Халқ таълими вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Давлат тест маркази томонидан қўшма буйруқ билан квота белгилаш.</p> <p>2. “Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат умумтаълим муассасаларининг ихтисослаштирилган синфларига, давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига ўқувчилар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом” асосида ихтисослаштирилган мактабларга қабулни ташкил этиш.</p>	2020 йил декабрь	–	Халқ таълими вазирлиги, Ахборот технологиялари вазирлиги, Давлат тест маркази

14.	Ихтисослаштирилган мактабларга ўқувчилар қабулини ташкил этиш.	1. 2020/2021 ўқув йили учун ихтисослаштирилган мактабларга ўқувчилар қабул квотасини шакллантириш. 2. Иқтидорли талабаларни тест натижалари асосида белгиланган тартибда саралаш.	2020 йил декабрь 2021 йил август	–	Халқ таълими вазирлиги, Давлат тест маркази, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги, Тошкент ахборот технологиялари университети
15.	Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида информатика ва ахборот технологиялари фани бўйича турли мусобақалар ва танловларни ташкил этиш.	1. 2020/2021 ўқув йили давомида ўтказиладиган танлов ва мусобақалар режа-жадвали ҳамда ўтказиш тартибини тасдиқлаш. 2. Режа-жадвал бўйича информатика ва ахборот технологиялари фани бўйича мусобақаларни ва танловларни ташкил этиш.	2020 йил декабрь Режа-жадвалга мувофиқ	Давлат бюджетида ушбу мақсадларга кўзда тутилган маблағлар, “Эл-юрт умиди” жамғармаси	Ахборот технологиялари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги
16.	Тошкент шаҳридаги Инха университетида умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг малакасини оширишни ташкил этиш.	1. Тошкент шаҳридаги Инха университетининг Узлуксиз таълим маркази базасида онлайн семинар, тренинглар, конференциялар ташкил этиш. 2. Семинар, тренинглар ўқув дастурини ва жадвалини яратиш. 3. Семинар, тренингларни амалга ошириш.	2020 йил ноябрь 2020 йил декабрь 2021 йил январь	Халқ таълимини ривожлантириш жамғармаси ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар	Тошкент шаҳридаги Инха университети, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги
II. Рақамли технологияларга ўқитиш ҳудудий ўқув марказлари фаолиятини йўлга қўйиш					
17.	Ҳар бир вилоят, шаҳар ва туманларда рақамли технологияларга ўқитиш ҳудудий ўқув марказларини (кейинги ўринларда – ўқув марказлари) очиш, жумладан: 2020 йилда – 102 та; 2021 йилда – 101 та.	1. Ўқув марказларини жойлаштириш учун зарур биноларни аниқлаш. 2. Ўқув марказларининг жойларини мукамал таъмирлашни ташкил этиш. 3. Ўқув марказларини зарур ускуна ва мебель билан жиҳозлаш. 4. Ўқув марказларини юқори тезликдаги Интернет тармоғига улаш ва локал-ҳисоблаш тармоғини яратиш.	2020-2021 йй. режага мувофиқ	Маҳаллий бюджет даромадларининг режадан орттириб бажарилган қисми ҳисобидан, Ахборот технологияларини ривожлантириш жамғармаси	Ахборот технологиялари вазирлиги, “Ўзбектелеком” АҚ, “Ўзбекистон почтаси” АЖ, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси, маҳаллий давлат ҳокимият органлари

18.	Ўқув марказларини малакали мутахассислар билан таъминлаш.	<p>1. Ўқув марказларининг ўқитувчилари учун малакавий талабларни белгилаш.</p> <p>2. Белгиланган талаблар асосида номзодларни танлаб олиш.</p>	<p>2020 йил ноябрь</p> <p>2020 йил декабрь</p>	–	<p>Ахборот технологиялари вазирлиги,</p> <p>Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси,</p> <p>Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги</p>
19.	Ўқув марказларида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари бўйича малакасини ошириш учун курслар ташкил этиш.	<p>1. Малака ошириш курсларининг ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг рўйхатини шакллантириш.</p> <p>3. Малака ошириш курсларини ўтказиш режасини тасдиқлаш.</p> <p>4. Малака ошириш курслари натижасига кўра тингловчиларга тегишли сертификатларни тақдим этиш.</p>	<p>2020 йил декабрь</p> <p>ҳар ярим йилликда</p> <p>ҳар ярим йилликда курслар натижасига кўра доимий равишда</p>	<p>Ахборот технологияларини ривожлантириш жамғармаси, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари маблағлари</p>	<p>Ахборот технологиялари вазирлиги,</p> <p>вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари,</p> <p>Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси</p>
20.	Рақамли технологияларга ўқитиш бўйича замонавий ўқув курсларини ташкил этиш.	<p>1. Компьютер саводхонлигига ўқитиш бўйича видеоматериаллар тайёрлаш.</p> <p>2. Ўқув марказлари учун ўқитувчилар ва тренерларни тайёрлаш ҳамда ўқув дастурларини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Тингловчиларни танлаб олиш ва ўқишни ташкил этиш.</p> <p>4. Электрон таълим тизимини жорий этиш.</p>	<p>2020 йил октябрь</p> <p>2020 йил ноябрь</p> <p>режа асосида</p> <p>2020 йил декабрь</p>	<p>Ахборот технологияларини ривожлантириш жамғармаси, Дирекция маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар</p>	<p>Ахборот технологиялари вазирлиги,</p> <p>Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги,</p> <p>Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси</p>
21.	Умумтаълим муассасаларининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ўқитувчиларини рағбатлантириш.	<p>1. Ўқитувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш концепциясини ишлаб чиқиш.</p>	2020 йил ноябрь	<p>Ахборот технологияларини ривожлантириш жамғармаси ва қонун ҳужжатларида</p>	<p>Ахборот технологиялари вазирлиги,</p> <p>Халқ таълими вазирлиги,</p> <p>Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари</p>

		<p>2. “Бир миллион дастурчи” дастури доирасида сертификациядан ўтган энг кўп ўқувчига эга ўқитувчилар рейтингини шакллантириш.</p> <p>3. Ҳар йили ихтисослаштирилган мактабларнинг камида 100 нафар информатика ўқитувчисини рағбатлантириш.</p> <p>4. Тақдирлаш маросимини ташкил этиш.</p>	<p>ҳар йил якунига қадар</p> <p>ҳар йил якунига қадар</p> <p>ҳар йил якунига қадар</p>	тақиқланмаган бошқа манбалар	технологик парки дирекцияси
III. Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида информатика ва ахборот-коммуникация технологиялари йўналишида ўқитиш сифатини ошириш					
22.	Информатика ва ахборот технологиялари йўналишидаги фанлар ўқитувчиларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.	<p>1. Республикамиздаги етакчи олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркибидан ишчи гуруҳ шакллантириш.</p> <p>2. Информатика ва ахборот технологиялари йўналишидаги фанлар ўқитувчиларини тайёрлаш дастурларини хорижий университетлар тажрибаси асосида таҳлил қилиб, такомиллаштириш.</p>	<p>2021 йил январь</p> <p>2021 йил январь-июль</p>	–	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ахборот технологиялари вазирлиги
23.	Информатика ва ахборот технологиялари йўналишидаги таълим дастурларида фанлар бўйича ўқув лаборатория ишларини такомиллаштириш.	<p>1. Олий таълим муассасаларида информатика ва ахборот технологиялари йўналишидаги фанларни ўқитиш учун лаборатория жиҳозлари бўйича янги талабларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Информатика ва ахборот технологиялари йўналишидаги таълим йўналишлари дастурларида фанлар бўйича ўқув лаборатория ишларини қайта кўриб чиқиш.</p>	<p>2021 йил январь</p> <p>2021 йил март</p>	–	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ахборот технологиялари вазирлиги, вазирлик ва идоралар

		3. Ўқув лаборатория ишларини муқобил имконият сифатида тармоқ ишлаб чиқариш лабораторияларига мослаштириш ва 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб ўқув жараёнига жорий этиш.	2021 йил сентябрь		
